

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**214** Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз»  
МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғриси-  
даги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2451*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорнинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 587-модда) 4-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 12 март,  
26-сон

**Иқтисодиёт вазири**

**Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2013 йил 12 март,  
25-сон

**Давлат солиқ  
қўмитасининг раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 12 март,  
2013-12-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва  
Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил  
12 мартдаги 26, 25, 2013-12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз»  
МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 587-модда) 4-бандига мувофиқ махсус инвестиция устама ҳақини «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**табий газ етказиб берувчи** — табий газ сотишни амалга оширувчи «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва унинг таркибий тузилмасига кирувчи ташкилотлар;

**автомобиль газ тўлдиргич компрессор станцияси** — табий газ истеъмолчиси ҳисобланиб, сиқилган табий газ билан автотранспорт воситалари ёнилғи тизими баллонларини тўлдириш учун мўлжалланган технологик тизимга эга бўлган станция (шу жумладан ўз балансида автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари бўлган юридик шахслар);

**махсус инвестиция устама ҳақи** — миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тасдиқланадиган, табий газ етказиб берувчи томонидан автомобиль газ тўлдиргич компрессор станцияларига сотиладиган табий газнинг улгуржи-сотиш нархига қўйиладиган устама.

**2-боб. Махсус инвестиция устама ҳақини ҳисоблаш,  
ўтказиш ва фойдаланиш**

2. Махсус инвестиция устама ҳақи суммаси табий газ етказиб берувчи томонидан қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{МИУС} = \text{Ммиус} \times \text{V}, \text{ бунда:}$$

МИУС — махсус инвестиция устама ҳақи суммаси;

Ммиус — ўрнатилган тартибда тасдиқланган махсус инвестиция устама ҳақи миқдори;

V — табиий газ етказиб берувчи томонидан автомобиль газ тўлдиргич компрессор станцияларига сотиладиган табиий газ ҳажми.

3. Махсус инвестиция устама ҳақи суммаси:

барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда табиий газ етказиб берувчининг солиқ солинадиган базасига киритилмайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) билан тасдиқланган 2-сон шаклга мувофиқ Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда кўрсатилмайди;

«Ўзбекнефтгаз» МХК ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар учун мақсадли тушум ҳисобланади ва солиққа тортилмайди;

автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари томонидан табиий газ етказиб берувчидан қабул қилинган табиий газ ҳажмлари учун тўланиши лозим.

Автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўрнатилган тартибда тўлайдилар. Бунда, ягона солиқ тўлови тушумдан транспорт воситалари учун сиқилган газни ишлатганлик учун олинадиган солиқни чегирган ҳолда тўланади.

4. Автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари махсус инвестиция устама ҳақи суммаларини табиий газ етказиб берувчининг махсус счётига ўтказиб берилишини, етказиб бериш шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширади.

5. Табиий газ етказиб берувчи автомобиль газ тўлдиргич компрессор станцияларидан келиб тушган махсус инвестиция устама ҳақи суммаларини «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан хизмат кўрсатувчи банкда очилган махсус счётга ўтказилади.

6. «Ўзбекнефтгаз» МХК махсус счётида жамланадиган махсус инвестиция устама ҳақи суммалари инвестиция дастурларига киритилган объектларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, шунингдек ушбу мақсадларга жалб этилган кредитлар ва бюджет қарзларини тўлашда фойдаланилади.

7. Махсус инвестиция устама ҳақи суммалари:

табиий газ етказиб берувчи томонидан автомобиль газ тўлдиргич компрессор станцияларига тақдим этиладиган ҳисоб-фактурада алоҳида қаторда қайд этилади;

автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари томонидан табиий газ учун тўлов амалга ошириладиган бир вақтда, алоҳида тўлов топшириқномаси орқали «тўлов мақсади» сатрида тўловнинг мазкур Низомга асосан амалга оширилганлигини кўрсатган ҳолда ўтказиб берилади;

мазкур Низомга мувофиқ махсус инвестиция устама ҳақидан фойдаланиш мақсадларига тегишли бўлмаган бошқа тўловларга йўналтирилмайди.

**3-боб. Якуний қоидалар**

8. Махсус инвестиция устама ҳақини тўғри ҳисобланиши устидан назорат табиий газ етказиб берувчи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Мазкур Низомга риоя қилиниши юзасидан жавобгарлик бевосита автомобиль газ тўлдиргич компрессор станциялари, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва унинг таркибига қирувчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерларига юклатилади.

10. Мазкур Низом «Ўзбекнефтгаз» МХК билан келишилган.

**«Ўзбекнефтгаз» МХК**

**Бошқарув раиси**

**Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ**

*2013 йил 11 март*